«ҚУЛОҚЛАР СУРГУНИ» ТАРИХИНИНГ ХОЛИСОНА ТАЛҚИНИ

М.Ғ. Абдуллаев. Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими ва сургун қилинган қулоқлар тақдири (1930-1954 йиллар). Масъул муҳаррир: проф. Р.Т. Шамсутдинов. – Т.: Академнашр, 2018. – 352 бет.

Яқинда тарих фанлари номзоди, доцент М.Ғ.Абдуллаевнинг «Академнашр» томонидан чоп этилган «Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими ва сургун қилинган қулоқлар тақдири (1930-1954 йиллар)» номли монографиясида XX асрнинг 30–50-йилларидаги минглаб оилалар, ҳатто бутун халқларни мажбурий равишда кўчириш, сургун қилиш, хусусан, Ўрта Осиёга сургун қилинганларнинг сургундаги ҳаёти ва меҳнат фаолияти тарихи, «қулоқлар сургуни»нинг бошланғичидан то мантиқий якунига қадар – 1954 йилда махсус (меҳнат) посёлкалар бўйича чекловларнинг бекор қилинишигача бўлган давр оралиғида комплекс ҳолда тадқиқ этилган.

Монографияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари давлат архивлари, Россия Федерацияси давлат архиви, Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви материалларидан кенг фойдаланилган, кўплаб фактлар илк бор илмий муомалага киритилган. Монографияни фактик материаллар билан бойитишда Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси ва бошқа МДҲ давлатларида нашр этилган архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламларидан, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедицияси жамоат фонди материалларидан ҳамда мавзуга оид илмий адабиётлардан ҳам фойдаланилган.

Монографияда фойдаланилган архив манбалари ичида ОГПУ-НКВД ГУЛАГ Махсус посёлкалар бўлими ҳужжатлари (ҳисоботлар, маълумотлар, маърузаномалар) етакчи ўрин тутади. Бу нашрларда Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар дислокацияси ва улардаги таркибий ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳолатга оид маълумотлар жамланган. «Қулоқлар сургуни»га юборилганлар расмий ҳужжатларда 1930-1933 йилларда «махсус кўчирилганлар» (*спецпереселенцы*), 1934-1944 йилларда «меҳнат кўчкиндилари» (*трудпоселенцы*), 1944-1954 йилларда яна «махсус кўчирилганлар», айрим ҳужжатларда эса «собиқ қулоқлар» деб юритилган.

Монографиянинг «Ўрта Осиёда «қулоқлар сургуни» ва махсус посёлкалар тизимининг ташкил топиши» номли иккинчи бобида қулоқларнинг чекка, ўзлаштирилмаган ҳудудларга сургун қилиниши, Ўрта Осиёдаги қулоқлар сургуни босқичлари, илк қулоқ посёлкаларининг ташкил этилиши, сургун қилинганларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан уюштириш масалалари ёритилган.

Ўрта Осиёдаги «қулоқлар сургуни»нинг қуйидаги тўртта асосий босқичлари кўрсатилган:

1-босқич 1930 йил: бунда Ўрта Осиёдан 159 хўжалик (197 киши) 2-тоифа бўйича республикадан ташқарига, 349 оила (1764 киши) 3-тоифа бўйича округлар ичида кўчирилган;

2-босқич 1931 йил май-август ойлари: Ўрта Осиё республикаларидан 2213 оила (11401 киши) Шимолий Кавказга, 3444 оила (15910 киши) Украинага, 1128 оила (5770 киши) Ўрта Осиё республикалари бўйлаб сургун қилинган;

3-босқич 1932 йил май: бунда Ўрта Осиё республикаларида 2- ва 3-тоифадаги 6043 хўжалик (27799 киши) минтақа ичида сургун қилинган. Жумладан, Ўзбекистон бўйича 4865 хўжалик (22505 киши), Тожикистон бўйича 556 хўжалик (2502 киши), Қирғизистон бўйича 479 хўжалик (2148 киши), Туркманистон бўйича 143 хўжалик (644 киши) кўчирилган;

4-босқич 1933-1936 йиллар: бунда сурган кичик гуруҳлар шаклида амалга оширилган. Жумладан, ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1935 йил 19 мартдаги «Вахш водийсини ўзлаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида» қарорина кўра 1935-1936 йилларда жами 9948 кишидан иборат 3158 хўжалик кўчирилган.

Муаллиф Ўрта Осиё республикаларидаги махсус посёлкаларнинг маъмурий бошқарувига доир меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқий ҳолати ва мажбуриятларини белгиловчи низом ва кўрсатмалар мазмун-моҳиятини атрофлича таҳлил қилган. Сургундаги «қулоқ» хўжаликларининг меҳнатини ташкил қилиш ва улар жойлаштирилган махсус посёлкаларни маъмурий бошқариш ишлари 1931 йилда ОГПУ тасарруфига

берилиши, Ўрта Осиё махсус посёлкаларининг алоҳида тизим сифатида ОГПУ-НКВД-МГБ ГУЛАГи таркибидаги 1954 йилгача бўлган фаолияти манбалар асосида ёритилган.

«Махсус кўчирилганлар меҳнатидан хўжалик тармоқларида фойдаланиш» деб номланган учинчи бобда сургун қилинганларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолияти ёритилган. Бунда махсус кўчирилганларнинг Ўрта Осиё республикаларида янги ерларни ўзлаштириш, бу ерларда пахтачиликни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга қўшган ҳиссаси фактик далиллар асосида кўрсатилган. Жумладан, 1936 йилда ЎзССР меҳнат посёлкаларидаги «собиқ қулоқлар»дан 2987 оила ёки 12248 киши «Узсовхозхлопок» трести совхозларида пахтачилик ишларида, 294 оила ёки 971 киши ЎзССР боғдорчилик-узумчилик трести хўжаликларида ишлаганлар. 1936 йилда пахтачиликда банд бўлган меҳнат кўчкиндиларидан 1986 нафари нормани 100-150%, 145 нафари 150-200%, 66 нафари 200-300%, 20 нафари 300% дан орттириб бажаргани сургундаги «қулоқ»ларнинг меҳнатсеварлиги ва омилкорлигидан далолатдир.

Умуман, 1936 йилда Ўрта Осиё республикаларидаги «собиқ қулоқлар» давлатга 1988754 пуд ғалла, 164160 пуд пахта топшириб, мажбуриятни ортиғи билан бажарганлар. Монографияда сургундаги қулоқлар унумсиз ерларда, оғир шароитлар остида машаққатли меҳнат қилиб, деҳқончиликда юқори натижаларга эришганлиги тўла исботини топган.

«Махсус посёлкалардаги ижтимоий турмуш ва маданий-маърифий муассасалар» номли тўртинчи бобда махсус кўчирилганларни «коммунистик руҳда қайта тарбиялаш» учун махсус посёлкаларда ташкил этилган муассасалар фаолияти, сургун қилинганлар ўртасида олиб борилган оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ва уларнинг мазмуни ёритилган. Айниқса, махсус посёлкаларда ташкил этилган мактаблар тармоғининг оғир аҳволи, қулоқ фарзандларига таълим-тарбия беришнинг умумий ҳолатига доир кўплаб фактик материаллар умумлаштирилган. Махсус посёлкалардаги оғир вазият, тиббий хизматнинг қониқарсизлиги оқибатида тарқалган юқумли касалликлар натижасида бевақт ҳаётдан кўз юмган қулоқлар ва болалар миқдори бўйича аниқ рақамлар келтирилган. Жумладан, 1932-1934 йилларда Ўрта Осиё республикалари махсус посёлкаларида 1041 киши туғилгани ҳолда, ўлганлар 8143 тани ташкил этган, яъни, бу йилларда туғилишга нисбатан ўлим даражаси қарийб 8 баробар юқори бўлган. Айниқса, 1933 йилдаги очарчилик Ўрта Осиё махсус посёлкаларидаги қулоқлар ҳаётида оғир из қолдирган: бу йил махсус посёлкаларда туғилишга нисбатан ўлим даражаси 14,3 баробар юқори бўлган.

Монографиянинг «Махсус посёлкалар тизими оммавий қатағон ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида» деб номланган бешинчи бобида 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» даврида меҳнат посёлкаларидаги собиқ қулоқларнинг қайтадан қатағон қилиниши ёритилган. 1937-1938 йилларда Тожикистонда 405, Қирғизистонда 193, Ўзбекистонда 156 меҳнат кўчкиндиси турли сохта айблар билан қатағон қилинган. 1937 йилда ЎзССР НКВДси ҳузуридаги «учлик» 97 нафар меҳнат кўчкиндиси устидан ҳукм чиқариб, улардан 23 таси отувга, 66 таси 10 йиллик, 8 таси 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Шунингдек, урушдан кейин сургундаги қулоқларга муносабатнинг ижобий томонга ўзгариб, сургундан озод қилишнинг бошланиши, махсус посёлкаларнинг тугатилиши – то 1954 йилгача кечган «қулоқлар сургуни» масаласи билан боғлиқ жараёнлар таҳлил этилган.

М.Абдуллаевнинг монографиясида назарий жиҳатдан долзарб бир қатор муҳим масалалар: «бой-қулоқ» хўжаликларининг сургун қилиниши, «қулоқлар сургуни»нинг хронологик даври, «махсус кўчирилганлар»нинг меҳнат посёлкаларида кечган турмуши, қулоқ қилиш сиёсатининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий оқибатлари теран илмий таҳлил этилган. «Қулоқлар»нинг мақоми, ҳуқуқ ва бурчлари, улар сургун қилинган махсус посёлкалардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт, уларнинг қишлоқ хўжалигида ва бошқа соҳалардаги меҳнат фаолияти, иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ва ниҳоят, «қулоқлар сургуни»нинг тугатилиш жараёнидаги мураккабликларнинг бирламчи манбаларга таянган ҳолда, замонавий тарихшунослик талаблари асосида талқин этилишини тарихшуносликка қўшилган муҳим ҳисса деб баҳолаш мумкин.

Мазкур тадқиқот нафақат тарих фани ривожига, балки 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 22 ноябрдаги 936-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда – бегуноҳ қурбон бўлган ватандошларимиз хотирасини эъзозлаш, номларини адабийлаштириш, фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўктамжон Убайдуллаев,
тарих фанлари номзоди, доцент